



КРЕДИТГА ОИД МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ

Ҳайитова Адиба Гофуровна

Ўзбекистон Республикаси

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси

e-mail: abduazizmurotov@gmail.com +99890-021-97-89

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17974113>

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасидаги кредитга оид қоунчилик, кредит шартномалари билан боғлиқ масалалар, уларни судда кўриш муаммолари, айнан кредит шартномаларидан келиб чиқадиган низоларини ҳал қилиш юзасидан таклифлар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: кредит шартномаси, кредит муносабатлари, банк ва кредит ташкилотлари, молиявий саводхонлик.

Бугунги жамиятда бир қанча ижтимоий муносабатлар қатори кредит муносабатлари ҳам ўз йўналишида муҳим тартибга солиш механизмларини жорий қилишга муҳтож соҳа бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, муносабатни тартибга солишнинг ҳуқуқий пойдевори мавжуд. Бироқ, ҳар бир соҳанинг прогрессив жараёни бевосита кредитга оид муносабатлар тараққиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Кредит муносабатлари нафақат иқтисодий тушунча сифатида қўлланилади, шу билан биргаликда ҳозирда барча соҳада ушбу атамага мурожаат қилинмоқда.

Кредит шартномаси қарз шартномаси каби реал эмас, конценсуал шартнома бўлиб ҳисобланди.

Кредит шартномалари субъектлари кредит берувчи ва кредит олувчи бўлиб ҳисобланади. Кредит берувчи сифатида шартномада банк ва кредит муассасалари иштирок этади. Кредит олувчи сифатида фуқаролар ва юридик шахслар (тадбиркордик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар) шартномада қатнашиши мумкин. Ҳозирги кунда кредитнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб.¹

Кредитга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари аввало, айти муносабатнинг турли соҳаларда оммалашиши билан изоҳланади.

Масалан, таълим соҳасида Олий таълим муассасаларида ўқиш учун таълим кредитларининг ажратилиши, тиббиётда саломатликни тиклаш учун қилинган харажатларни кредит маблағлари ҳисобидан амалга

1

Elektron shaklda-<https://drive.google.com/file/d/1WpzfbmNvClfEgXk6el77I9OVQZObOyug/view>





оширилиши, тадбиркорлик соҳаси бунга ортиқча изоҳ йўқ, ҳозирги кунда тадбиркорлик кредит устунига қурилиши барчага маълум, қурилиш соҳаси сармоя кредит маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган йирик соҳалардан бири, шунингдек, бевосита мақсадсиз кредит маблағларининг ажратилиши билан молиялаштирилиш қолган барча соҳалар билан бевосита алоқадор.

Айнан мамлакатимизда кредитга оид муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги Қонун, Истеъмол кредитлари тўғрисидаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банклар фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ чиқарилган ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимизда 2025 йил I ярмида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан биринчи инстанцияда даъво тартибида жами 54 587 та кредитга оид ишлар кўриб тамомланган бўлса, 41 311 таси қаноатлантирилган, 1 561 таси қаноатлантиришдан рад этилган, 11 365 таси кўрмасдан қолдирилган ва 350 таси бўйича иш юритиш тугатилган.²

Бу рақамлар фуқаролик ишлари бўйича судларда кўрилган даъво тартибидаги жами ишлар (1 012 472) нинг тахминан 5,4% ни ташкил қилади.

Биз масаланинг юридик жиҳатини таҳлил қиладиган бўлсак, соҳада кузатилаётган асосий ҳуқуқий муаммолар қуйидагиларда кўзга ташланади.

Кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади³.

Миллий қонунчилигимизда кредит шартномасининг таърифи келтирилган бўлсада, унинг асосий ва асосий бўлмаган шартлари, таркибий элементлари ҳақида аниқ норма мавжуд эмас. Бу шартнома тарафларининг чегарасиз диапазондаги муносабатга киришишларига йўл очиб беради ва натижада субъектларнинг ўзаро манфаатларига путур етказилиши билан изоҳланади. Яъни, мисол учун фоиз ставкасининг максимал миқдори белгиланмаганлиги ёхуд бу масалани шартнома шартларини эркин танлаш

2

3





принципини таъминлаш учун ҳуқуқий чегараси қайд қилинмаганлиги кредит берувчининг маблағ ажратиш борасида олинадиган даромади исталган фоиз ставкасини ўрнатиши билан қарздорнинг иқтисодий аҳволини иноабтга олмасдан келгусида тарафлар тенглик тамойилининг бузилишини вужудга келтиради.

Иккинчидан, кредит шартномасини тузишда шартнома матнининг юридик терминологиясининг мураккаблиги, бу бўйича аниқ ва қатъий талабнинг мавжуд эмаслиги. Ушбу ҳолат айниқса қарз олувчи томонидан келгусида шартнома шартларини бажараётган вақтда номутаносибликлар билан изоҳланади. Шартномаларда икки маъноли, юридик жиҳатдан ноаниқ жумла ва талаблар мавжуд бўлиши, мижозларнинг шартнома мазмунини тўлиқ тушунмасдан имзолаши сабаб келгусида қарздорнинг йирик суммага тушиши, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўлай олмаслиги, сунъий равишда тўловга қобилиятсизлик ҳолатини вужудга келтириши ҳамда банк ёки банк фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотга ишончни йўқолиши билан яқунланади.

Учинчидан, микроолия ташкилотларининг фаолиятини оммалашуви, улар томонидан шартнома шартларига оид маълумотларни очиқ ошкор қилмаслик ҳолатлари ҳамда аралаш шартнома элементларидан таркиб топган шартномаларнинг тузилиши. Бунинг натижасида биргина кредит шартномасига оид шартларнинг бажарилиши қолган аралаш шартномалардан ўзлашган шартлар бажарилмаслиги эвазига ортиқча мажбурият таъминотини талаб қилиш ҳуқуқни кредиторда вужудга келтириши.

Тўртинчидан, кредит ташкилотлари банк ва нобанк ташкилотлар фаолиятида тўлиқ шаффофликнинг таъминланмаганлиги ҳамда шахсга оид маълумотларнинг махфийлиги ва уларни ҳимоя қилиш масалалари етарлича назарда тутилмаганлиги ҳолатлари мавжуд.

Бешинчидан, кредит шартномалари билан боғлиқ низоларни ҳал қилишнинг мураккаб ва узоқ жараённи ташкил қилиши, уларни судда ҳал қилишда турлича амалиётнинг мавжудлиги.

Олтинчидан, онлайн микроқарз шартномалари асосида вужудга келаётган муносабатларнинг етарли даражада тартибга солинмаганлиги ва кафолатнинг мавжуд эмаслиги.

Еттинчидан, банк ва кредит масалаларининг тартибга солиш механизмлари ва ҳуқуқий асосларининг сочилиб ётганлиги, ягона





унификацион манбага эга эмаслиги. Яъни, норматив характерга эга ва эга бўлмаган ҳужжатлар ҳамда қоидаларнинг аралашиб кетган.

Юқоридагиларга кўра, соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидагича таклифларни илгари суришни лозим деб биламиз. Қонунчиликни такомиллаштириш яъни, кредит шартномаларида аниқ ва тушунарли тилдан фойдаланиш талабини жорий қилиш. Фоиз ставкаларининг юқори чегарасини белгиловчи нормалар киритиш. Молиявий саводхонликни ошириш аҳолини кредит шартлари ва ҳуқуқий оқибатлар ҳақида хабардор қилиш. махсус ўқув дастурлари ва оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ишларини оммалаштириш суд амалиётини унификация қилиш яъни, кредит муносабатлари бўйича судлар учун ягона мукамал тавсиявий методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш. Кредит ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш кредит тарихини аниқ ва шаффоф юритиш ҳамда шахсий маълумотлар муҳофазасини кучайтириш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, аввало аҳоли орасида молиявий саводхонликни ошиши ва қонун нормаларининг мукаммалаштирилиши соҳани тартибга солиниши ва ривожланиши гарови бўлиб ҳисобланади.

